ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ФИСКАЛ ИНСТИТУТ

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QO‘MITASI
HUZURIDAGI
FISKAL INSTITUT

# СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДА ИШ ЮРИТИШ ВА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ



# МАВЗУ РЕЖАСИ

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари.
2. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш.
3. Солиқ хизмати органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш.
4. Солиқ хизмати органларида мурожаатлар билан ишлашнинг ҳуқуқий асослари.
5. Мурожаатларни турлари, уларни бериш ва кўриб чиқиш муддатлари тартиби.
6. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари.

# СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДА

ИШ ЮРИТИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли қарорига,**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли қарорига,**

**ДСҚнинг 2019 йил 10 апрелдаги 84-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Давлат солиқ хизмати органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ**

***ДСҚнинг 2022 йил 10 февралдаги 37-буйруғи билан тасдиқланган Йўриқномага мувофиқ***





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
29.03.1999 й.
N 140

Ҳужжатнинг рус тилидаги
матнига қаранг

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИДА ИШ ЮРИТИШ ВА ИЖРО НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**



# ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНМАСИ



# ХАТ ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ



# ЖЎНАТИЛАДИГАН ВА ИЧКИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТУЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ

**B U Y R U Q**

2018 yil «17» 08 380 son

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ҳайъати қарорини эълон қилиш тўғрисида**

Ҳар бир ҳужжатда (хатлардан ташқари) унинг тури (қарор, фармойиш, буйруқ, баённома, маълумотнома ва шу кабилар) кўрсатилиши керак.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ХИЗМАТ ЙИҒИЛИШИНИНГ БАЁНИ**

Аксарият ҳужжатлар учун ҳужжат мазмунини акс эттирувчи қисқа ва аниқ сарлавҳа бўлиши шарт. Масалан: баённомаси (ниманинг?) "хизмат йиғилишининг".

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ QO`MITASI

FARG'ONA VILOYATI DAVLAT SOLIQ BOSHQARMASI — ГОСУДАРСТВЕННОЕ НАЛОГОВОЕ УПРАВЛЕНИЕ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

150100, Farg`ona shahri, Sayilgoh ko`chasi 31-уй. Tel.:241-70-60, Faks:241-70-62, fargona@soliq.uz

2018 yil 16 08
15-08149-son

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Жисмоний шахслар солиқ маъмуриятчилиги бош бошқармасига

Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси Сизнинг 2018 йил 9 март куни 15/2-05543-сонли хатингизга жавобан, амалга оширилган ишлар ва кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотларни иловадаги жадвал асосида юбормоқда.

Бошлиқ ўринбосари Н.Полвонов

*Бaж: А.Абдуғаниев*

Ҳужжат мазмуни имкони борича лўнда, қисқа иборалар билан, қийин бўлмаган сўз тузилишида баён этилади.

# ҲУЖЖАТЛАНТИРИШ

Ҳар бир ҳужжатда бевосита ижрочи тўғрисидаги белги бўлиши керак:

Ижрочи:К.Иргашев
Тел.:244-98-23

Матнда қайд этилган иловалар қуйидаги шакл бўйича расмийлаштирилади:

Илова: 1 варақда, биринчи манзилга.
Иккинчи манзилга маълумот учун.

# УМУМИЙ ҚОИДАЛАР



«Электрон ҳужжат алмашиш» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда тизим деб юритилади) Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 19 майдаги 214-сонли буйруғи билан 2016 йил 20 майдан Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратида ҳамда 2016 йил 1 сентябрдан ҳудудий давлат солиқ хизмати органларида амалиётга жорий этилган.

Тизим маълумотлар базасини шакллантириш ва ундан фойдаланишни тартибга солиш бўйича Регламент Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 18 апрелдаги 117-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ишчи гуруҳининг 2016 йил 1 июлдаги 03/4-12-сонли баёни 1-банди билан тасдиқланган.

# ТИЗИМНИ ИШГА ТУШИРИШ МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР





Тизимни ишга тушириш Давлат солиқ қўмитасининг ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базаси авторизация тизими орқали амалга оширилади. Бунда, сиз тегишли логин ва паролларга эга бўлишингиз лозим.

Компьютерда интернет браузер ўрнатилган бўлиши лозим.

Ҳужжатларни кўриш учун фойдаланувчининг компьютерида Adobe Reader дастурий таъминоти
ўрнатилган бўлиши лозим.

ЭДО

# СҚ, СБ ВА СИГА КЕЛГАН (КИРИМ ҚИЛИНАДИГАН) ҲУЖЖАТЛАРНИ ТИЗИМГА КИРИТИШ ВА КОТИБИЯТГА ЮБОРИШ ТАРТИБИ

Карточкалар менюси




Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси учун алоҳида “Карточкалар” менюси яратилган. Ҳар бир ҳужжатнинг киритилиши шу меню орқали амалга оширилади.

Администраторлар томонидан ходимга ҳужжат бириктирилса, мазкур ходимда шу меню пайдо бўлади.

Ушбу менюга кирилганда, қуйидаги ойна очилади ва тегишли ҳужжатга ўтиб амал бажарилади.







Охирги кирим рақамни шу ерга киритиши шарт.
*(бу амални ҳар бир ҳужжатда бажарилиши лозим)*.

ЭДО

# КАРТОЧКАЛАРЛАР МЕНЮСИ







**Кирим қилинаётган ҳужжатнинг карточка маълумотлари Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси ходими томонидан тўлдирилади.**

**Бу ерда қайд рақами аввал сиз “Тартиб рақам” ойнасига киритиб қўйган рақамдан кейинги рақамни автоматик олади.**

ЭДО

Карточкалар менюси

# Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси томонидан киритилган ҳужжатни, Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси ходимлари томонидан таҳрирлаш ва ўчириш










Агар ҳужжатни ўчиришга рухсат берилса, у ҳолда “Ўчириш” тугмаси орқали ўчиришингиз мумкин

Кирим қилинган ҳужжатни тўғрилаш заруряти туғилса, “Таҳрирлаш” тугмаси орқали амалга оширилади.




**35-модда.**

*Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига* ***ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.***

***Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.***

# МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШГА МАСЪУЛ ТУЗИЛМАЛАР:

Ташкилий ишларни назорат қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими

Раҳбарнинг шахсий қабуллари бўйича раҳбарият ёрдамчилари ва қабулхоналари



Оғзаки мурожаатлар юзасидан Навбатчи қисм ва идоравий қўриқлаш хизмати

# МУРОЖААТЛАР ШАКЛЛАРИ:

ОҒЗАКИ

ЁЗМА

ЭЛЕКТРОН

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари шакллари**









## МУРОЖААТЛАРНИНГ МАЗМУНИГА КЎРА ТУРЛАРИ:

АРИЗА

ШИКОЯТ

ТАКЛИФ






# МУРОЖААТЛАРНИНГ ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБ ВА ХУСУСИЯТЛАРИГА КЎРА ТАСНИФЛАНИШИ:

## МУРОЖААТЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

АНОНИМ МУРОЖААТ

ТАКРОРИЙ МУРОЖААТ

ДУБЛИКАТ МУРОЖААТ



# МУРОЖААТЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ:



ШАХСИЙ ҚАБУЛДАГИ МУРОЖААТ

САЙЁР ЁКИ ОММАВИЙ ҚАБУЛДАГИ МУРОЖААТ



ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ШАКЛЛАРИ



ЯККА ТАРТИБДА

ЖАМОА БЎЛИБ



# МУРОЖААТ ЭТУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ:

## МУРОЖААТ ЭТУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ:

- МУРОЖААТ ИХТИЁРИЙ БЕРИШ ҲУҚУҚИ
- ТЕНГЛИК ҲУҚУҚИ
- ТАЪҚИБ ЭТИЛМАСЛИГИ
- МУРОЖААТ УНИНГ МУАЛЛИФИ РОЗИЛИГИСИЗ ОШКОР ЭТИЛМАСЛИГИ

# МУРОЖААТДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ОШКОР ЭТИЛМАЙДИГАН ҲОЛАТЛАР:

**МУРОЖААТДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ОШКОР ЭТИЛМАЙДИГАН ҲОЛАТЛАР:**

- ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ РОЗИЛИГИСИЗ
- ДАВЛАТ СИРИНИ ЁХУД ҚОНУН БИЛАН ҚЎРИҚЛАНАДИГАН БОШҚА СИР
- ҲУҚУҚ, ЭРКИНЛИК ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ КАМСИТАДИГАН МАЪЛУМОТЛАР

# МУРОЖААТЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР:

## ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ МУРОЖААТИДА:



- ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ ФАМИЛИЯСИ (ИСМИ, ОТАСИНИНГ ИСМИ)
- СХОнинг НОМИ, МУРОЖААТНИНГ МОҲИЯТИ
- ЯШАШ ЖОЙИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

# МУРОЖААТЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР:

## ЮРИДИК ШАХСНИНГ МУРОЖААТИДА:



- ТЎЛИҚ НОМИ
- СХОнинг НОМИ, МУРОЖААТНИНГ МОҲИЯТИ
- ЖОЙЛАШГАН ЕРИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)

# МУРОЖААТЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР:

## ОҒЗАКИ МУРОЖААТ БЕРИЛИШ ШАКЛИ:



- ШАХСИЙ ҚАБУЛ ОРҚАЛИ
- ИШОНЧ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ
- ВИДЕО-КОНФЕРЕНЦАЛОҚА ВОСИТАСИДА

# МУРОЖААТЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР:

## ОҒЗАКИ МУРОЖААТ ЭТАЁТГАНДА

**Жисмоний шахс ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак**

**Вакил ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак**






# МУРОЖААТЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР:

## ЁЗМА МУРОЖААТ

жисмоний шахснинг **имзо**си **билан тасдиқланган** бўлиши лозим

юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг **имзо**си **билан тасдиқланган** бўлиши лозим






# МУРОЖААТЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР:

## ЭЛЕКТРОН МУРОЖААТ

электрон рақамли имзо билан тасдиқланади

электрон ҳужжат шаклида бўлади

электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлади






Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин



Мурожаатларга жавоблар мумкин қадар **мурожаат этилган тилда** баён қилинади



# ЖИСМОИНИЙ ШАХСЛАР ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАДВАЛИ

**Ҳар бир давлат органида бўлиши керак**

**Расмий веб-сайтда, маъмурий бинога кириш қисмида жойлаштирилиши керак**

Ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни **рад этиш мумкин эмас.**

Агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган аввалги мурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга Қонунда белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

**Мурожаатни бериш муддатлари**

Мурожаатларни бериш муддатлари, қоида тариқасида, **белгиланмайди**

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга **ариза ёки шикоят** жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан **бир йилдан кечиктирмай** берилади.


Мурожаатни кўриб чиқиш муддатлари
Таклиф
Ариза
Шикоят
тушган кундан эътиборан 1 ОЙГАЧА бўлган муддатда
қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар ҳақида таклиф киритган шахсга 10 КУНЛИК муддат ичида маълум қилинади
қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб этилмайди-ганлари 15 КУНГАЧА
қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб этилса 1 ОЙГАЧА
раҳбар томонидан истисно тариқасида узоғи билан 1 ОЙГА узайтирилиши мумкин
тааллуқли бўлмаган мурожаат-лар 5 КУН ИЧИДА

Ариза ва шикоятларни
кўриб чиқиш учун текшириш
ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд
бошқа чора-тадбирлар кўриш
зарур бўлган ҳолларда, давлат солиқ хизмати
органи **раҳбари томонидан**

**бир ойга**

**узайтирилиши мумкин.**




MY.SOLIQ.UZ
ЭЛЕКТРОН
СОЛИҚ ХИЗМАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

Солиқ кўмитасига pm.gov.uz орқали

Солиқ хизмати органларининг “Электрон солиқ хизматлари” портали орқали

Бош прокуратуранинг “Ишонч” телефони орқали

**Солиқ хизмати органи**

Бошқа давлат органлари орқали

Солиқ кўмитасининг “Ишонч телефони” орқали

Юқори турувчи Солиқ органи орқали

Солиқ органига бевосита келиб тушган








# МУРОЖААТ КЕЛИБ ТУШГАН ВАҚТДАН БОШЛАБ




Солиқ оранларида кўриб чиқиладиган мурожаатларнинг тузилмаларга тегишлилиги
Солиқ органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари бўйича
Такрорий мурожаат бўйича
Солиқ органи қабул қилган қарорлари бўйича
Солиқ қонунчилиги ва бошқа тушунтиришлар бўйича
Субъектларнинг савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиши бўйича
Ўз хавфсизлиги бошқармаси *(бўлими)*
Ички аудит бошқармаси *(бўлими)*
Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси *(бўлими)*
Тегишлилиги бўйича таркибий тузилма
Солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси *(бўлими, шўъбаси)*

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) **устидан шикоят қилинаётган органларга**, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга **юбориш тақиқланади**.



# ИЖРО УЧУН ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕГИШЛИ ТУЗИЛМА РАҲБАРИ ЁКИ ХОДИМИ ТОМОНИДАН



# ҚУЙИДАГИ МУРОЖААТЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛМАЙДИ:

1. АНОНИМ МУРОЖААТЛАР

2. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ ВАКОЛАТИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАР МАВЖУД БЎЛМАГАН ҲОЛАТДА БЕРИЛГАН МУРОЖААТЛАР

# АНОНИМ МУРОЖААТЛАР

Жисмоний шахснинг **фамилияси** (исми, отасининг исми), унинг **яшаш жойи** тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг **тўлиқ номи**, унинг **жойлашган ери** (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар **кўрсатилмаган** ёхуд улар ҳақида **ёлғон маълумотлар кўрсатилган**, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан **тасдиқланмаган** мурожаатлар **АНОНИМ МУРОЖААТЛАР ҲИСОБЛАНАДИ.**



# АНОНИМ МУРОЖААТЛАР

Аноним мурожаат муаллифи ҳақидаги маълумотлар йўқлиги содир этилган ёки тайёрланаётган **жиноят**, бошқа **жиддий қонун бузилишлари ҳақида** мавжуд бўлган хабарларни эътиборсиз қолдиришга асос бўлмайди.

Агар улар тасдиқланмаса ва аноним мурожаат бирон-бир фуқарога туҳмат қилишга қаратилган бўлса, бу унинг муаллифини излаб топишга ва кейин уни юридик жавобгарликка тортишга асос бўлиши мумкин.





# МУРОЖААТНИ АНОНИМ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ТАРТИБИ

1. Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан амалга оширилади
2. Мурожаат аноним деб эътироф тўғрисида хулоса тузилади
3. Хулоса мурожаатлар билан ишловчи бўлинма раҳбари ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади
4. Хулоса солиқ хизмати органининг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади
5. Хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб мурожаат назорат(ижро)дан олинади ва кўриб чиқилмайди.

# ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХС ВАКИЛИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТАСДИҚЛАЙДИГАН ҲУЖЖАТЛАР МАВЖУД БЎЛМАГАН МУРОЖААТ ДЕБ ТОПИШ ТАРТИБИ

1. Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан амалга оширилади
2. Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (шуъбаси) ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан хулоса тузилади
3. Хулоса мурожаатлар билан ишловчи бўлинма раҳбари ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади
4. Хулоса солиқ хизмати органининг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади
5. Хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб назорат(ижро)дан олинади ва кўриб чиқилмайди. мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчига тегишли тартибда хабардор қилинади

# Мурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

1. Такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса
2. Мурожаат қилувчи ўз мурожаатини чақириб олган ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса
3. Манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилмаганлиги туфайли чақиришнинг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;
4. Мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

Мурожаатни кўриб чиқишни **тугатиш тўғрисида** раҳбар ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахс **қарор** қабул қилади.

**Айни бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган**

**аввалги** мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан **шикоят** қилинаётган **норозилик** билдирилаётган

илгариги мурожаати **ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги** тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;

**ТАКРОРИЙ МУРОЖААТ ҳисобланади**

! **Такрорий мурожаат**ни кўриб чиқиш **тугатилганда**, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан **ёзишмалар тугатилиши** тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади.

! Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда **хабардор қилмасдан тугатилади**.

# ДУБЛИКАТ МУРОЖААТНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

**Айни бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси** - **мурожаатнинг ДУБЛИКАТИ ҳисобланади**

мурожаатни кўриб чиқиш давомида дубликати келиб тушса, аввал келиб тушган мурожаат билан **биргаликда кўриб чиқилади**.

мурожаат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда мурожаат этувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

Мурожаатда қўйилган барча масалалар кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда, **кўриб чиқилган ҳисобланади**.

Оммавий қабуллар вақтида келиб тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга **жавоб талаб этилмайди**.

# МУРОЖААТЛАРНИ НАЗОРАТ ВА ИЖРОДАН ОЛИШ

Мурожаат у қайси раҳбар ёки мансабдор шахс томонидан назоратга олинган бўлса, ўша шахс томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар **назоратдан олинмайди.**

# МУРОЖААТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

<table>
<tr><th>ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТУРЛАРИ</th><th colspan="2">ЖАВОБГАРЛИК ТУРЛАРИ</th></tr>
<tr><td>Қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этиш</td><td rowspan="7">МЖТКнинг 43-моддасига асосан БҲМнинг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима билан жазоланади.</td><td rowspan="9">Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса ЖКнинг 144-моддаси 1-қисмига асосан БҲМнинг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.</td></tr>
<tr><td>Кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш</td></tr>
<tr><td>Кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш</td></tr>
<tr><td>Ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик</td></tr>
<tr><td>Қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш</td></tr>
<tr><td>Жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини таъминламаганлик</td></tr>
<tr><td>Мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик</td></tr>
<tr><td colspan="2">Жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш</td></tr>
<tr><td colspan="2">Юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш</td></tr>
</table>



# МУРОЖААТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

| ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТУРЛАРИ | ЖАВОБГАРЛИК ТУРЛАРИ |
|---|---|
| **Жисмоний ва юридик шахсни мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун таъқиб қилиш** | ЖКнинг 144-моддаси 2-қисмига асосан БҲМнинг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. |



# ШАХС ТОМОНИДАН ТУҲМАТДАН ИБОРАТ МУРОЖААТ БЕРИЛСА

| ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТУРЛАРИ | ЖАВОБГАРЛИК ТУРЛАРИ | |
|---|---|---|
| **Туҳмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш** | **МЖТКнинг 40-моддаси**га асосан БҲМнинг 20 бараваридан 60 бараваригача миқдорда жарима | **ЖКнинг 139-моддаси 1-қисмига асосан** БҲМнинг 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари |
| **Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали туҳмат қилиш** | **ЖКнинг 139-моддаси 2-қисмига асосан** БҲМнинг 200 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш | |
| **Туҳмат:**<br>**а) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб;**<br>**б) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда;**<br>**в) хавфли рецидивист томонидан;**<br>**г) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса** | **ЖКнинг 139-моддаси 3-қисмига асосан** базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваридан 500 бараваригача миқдорда жарима ёки 360 соатдан 400гача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади. | |



# ШАХС ТОМОНИДАН ҲАҚОРАТДАН ИБОРАТ МУРОЖААТ БЕРИЛСА

| ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТУРЛАРИ | ЖАВОБГАРЛИК ТУРЛАРИ | |
|---|---|---|
| **Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш** | **МЖТКнинг 41-моддасига** асосан БҲМнинг 20 бараваридан 40 бараваригача миқдорда жарима | **ЖКнинг 140-моддаси 1-қисмига асосан** БҲМнинг 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари |
| **Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ҳақорат қилиш** | **ЖКнинг 140-моддаси 2-қисмига асосан** БҲМнинг 200 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима ёки 240 соатдан 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 1 йилдан 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари | |
| **Ҳақорат қилиш:**<br>**а) жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда;**<br>**б) хавфли рецидивист томонидан ёки туҳмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган бўлса** | **ЖКнинг 140-моддаси 3-қисмига асосан** БҲМнинг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. | |



# ШАХС ТОМОНИДАН ЁЛҒОН ХАБАР ИБОРАТ МУРОЖААТ БЕРИЛСА

| ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТУРЛАРИ | ЖАВОБГАРЛИК ТУРЛАРИ |
|---|---|
| Ёлғон хабар бериш, яъни жиноят тўғрисида била туриб ёлғон хабар бериш | ЖКнинг 237-моддаси 1-қисмига асосан БҲМнинг 50 бараваридан 75 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш |
| Ўша ҳаракат:<br>а) айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтирган ҳолда;<br>б) ғаразгўйлик ниятларида;<br>в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;<br>г) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб содир этилган бўлса | ЖКнинг 237-моддаси 2-қисмига асосан<br>5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш |
| Ўша ҳаракат оғир оқибатларга сабаб бўлса | ЖКнинг 237-моддаси 3-қисмига асосан<br>8 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш |



ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН
РАХМАТ !

